

## ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИНГ ЗАРУРАТИ

Дилафруз Хамидуллаевна Усмонова

Чирчик давлат педагогика университети География ўқитиши методикаси  
2-босқич магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада география дарсларида педагогик компетентлик зарурати, унинг мазмунни, машқ ва масалалар ечишдаги аҳамияти, жорий қилиш методикалари келтириб ўтилган. Хусусан, география дарсларини олиб борилишида кўпгина географик қонуниятларнинг мазмунни, география фани доирасида машқ ва масалалар ечишда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожланиши, уларда географик объект, ҳодиса ва жараёнларнинг ташқи кўриниши билан бирга унинг ички тузилишини тасаввур эта олиш қобилиятини ривожлантиришдаги педагогик компетентликнинг зарурати асосланган.

**Калит сўзлар:** компетентлик, дидактик мақсад, географик объект, математик формула, пропорция, об-ҳавонинг асосий элементлари, ҳаво ҳарорати, атмосфера босими, ҳаво намлигини ҳисоблаш, ҳавонинг сув буғларига тўйиниши, нейтрал қатлам.

### ABSTRACT

This article mentions the need for pedagogical competence in geography lessons, its content, the importance of exercises and problem solving, methods of implementation. In particular, the content of many geographical laws is based on the need for them, the development of logical thinking skills in students in the field of geography, the ability to represent the internal structure of geographical objects, phenomena and processes.

**Keywords:** competence, didactic purpose, geographical object, mathematical formula, proportion, main elements of weather, air temperature, atmospheric pressure, calculation of air humidity, saturation of air with water vapor, neutral layer.

### КИРИШ

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. “Компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) –

фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш тушунилади.

География фани нүктаи назардан компетентлик бу ўқитувчи ноанъанавий вазиятларда, кутилмаган ҳолларда ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик қилишни англатади. Бу борада география дарс жараёнларида машқ ва масалалар ечишда компетентликни йўлга қўйиш ижобий самара беради ҳамда ўқувчиларда бу йўналишда иш олиб бориш орқали уларнинг амалий машғулотларни бажаришдаги қизиқиши ортишига сабаб бўлади.

Маълумки, педагогик компетенцияни яратишида ўқитувчи - ўз билимларини изчил бойитиб боради, янги ахборотларни ўзлаштиради, давр талабларини чуқур англайди, янги билимларни излаб топади, уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллай олади. Чунки, мамлакатимизда компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартларини жорий этилиши ўқитувчилар зиммасига қатор долзарб вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу борада география фани дарсларида назарий билим бериш билан бир қаторда машқ ва масалалар ечишни ўқувчиларга ўргатиб бориш, уларда муайян географик объект, ҳодиса ва жараёнлар кўламини аниқлашга доир ҳисоблаш малакалари тақомиллашади ҳамда география фанининг жозибадорлигини таъминлайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

География фанидан машқ ва масалаларни ечиш усуслари бўйича К.Бахромов, Г.Халимоваларнинг ўқув қўлланмаларида амалий машғулотларнинг таҳлили, амалий машғулот фаннинг алоҳида ташкилий-методик тузилмаси саналиши ва у ўз таркибида дидактик мақсад, мантиқий тугалланган ўқув материали бирлигини, фанлараро, курс, бўлим ва мавзулараро узвийлиги асосида ташкил этилганлигини, дидактик таъминот асосидаги услубий раҳбарлик ҳамда назорат тизимини қамраб олиши ёритилган. Шу билан бирга М.Т.Миракмалов, М.Авезов, Э.В.Назаралиеваларнинг “Табиий географиядан амалий машғулотлар” каби адабиётларини ҳам муҳим қўлланма сифатида санаб ўтиш мумкин.

Кейинги йилларда Н.А.Муслимов ва бошқаларнинг “Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари” деб номланган

монографияси педагогик компетентлик тадқиқотлари бўйича илмий-амалий мухим вазифани аҳамият касб этмоқда.

## МУХОКАМА

География дарсларида касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўқитувчи аввало ўз устида ишлиши ва ўз-ўзини ривожлантириши мухим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Албатта, география фанида ҳам машқ ва масалалар ечишда педагогик компетентлик яратиш мухим масала. Чунки ўқитувчидан ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, аввал соддароқ, сўнг эса мураккабликка томон дарс давомида машқ ва масалалар ечишда уларнинг кўникмаларини шакллантириб бориш зарурлиги талаб этилади. Бироқ, кўпгина география фани ўқитувчилари математик ифодалардан дарс давомида умуман фойдаланмайдилар. Натижада, ўқувчилар амалий машғулотларни бажариш жараёнида берилган топшириқларнинг жавобини тахминий ҳисобларга асосан ишлаб чиқишига мажбур бўладилар. Шу мақсадда дарсликда учрайдиган бир неча ҳил масалалар ва уларни ечишда математик йўллар билан шу фанга боғлаш орқали тушунтириш ишлари амалга оширилса, яъни машқ ва масалаларни ечишда формула, пропорция ёрдамида ечиш йўлларини кўрсатиб ўтилса, уларни билим даражаси шунчалик чукурлашади.

Зеро, география фанида машқ ва масала ечишни ўргатишда математик тадқиқот усулларидан фойдаланиш жуда ҳам яхши самара беради. Масалан, ўқувчининг математикадан олган билимларга таянган ҳолда мутлоқ баландлик, об-ҳавонинг асосий элементлари - ҳаво ҳарорати, атмосфера босими, ҳаво намлигини ҳисоблаш ҳамда ҳавонинг сув буғларига тўйиниши каби тушунчаларни масалалар ечиш орқали ўзлаштириши осон кечади. Бу борада ҳароратлар мавзусини ёритишида қуйидаги маълумотлар орқали, яъни ернинг ички қисмига кириб борган сари ҳарорат ортиб боришини, ернинг ичига қанча чуқур кирсак, ҳарорат шунча юқори бўлишини, лекин ер юзасида маълум чуқурликкача ҳароратнинг доимий ўзгармай турадиган қатлами борлигини, бу эса нейтрал қатlam деб аталиши тушунтириб ўтилади. Яъни, шу чуқурликкача ҳарорат ўзгармай туради, ундан пастда эса ҳарорат ўзгара бошлайди. Ер юзасида ҳарорат қанча бўлса, нейтрал қатламда ҳам ҳарорат шундай бўлади. Нейтрал қатламнинг ҳар жойда ўртacha чуқурлиги ҳар хил. Лекин ўрта ҳисобда 30 метр деб олинади. Демак ер юзида

ҳарорат қанча бўлса 30 метр чуқурликкача ҳам ҳарорат ер юзасидагиdek бўлади.

5-синф география дарслигидан биламизки, ернинг ичига тушган сари яъни ядрога яқинлашган сари ҳарорат жуда ортиб боради. Нейтрал қатламдан ер ичига томон ҳар 1000 метр чуқурликка тушган сари  $+33^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади. Бу кўрсаткич ҳар 100 метрда  $+3,3^{\circ}\text{C}$  га тенг.

10000 да эса  $+330^{\circ}\text{C}$  га тенг.

Демак ернинг ичига қанча чукур тушилса, шунча ҳарорат юқори бўлади.

Бу мавзудаги масалалар қўйидаги усулда ечилади:

1) Ер юзида ҳарорат  $+14^{\circ}\text{C}$  бўлса нейтрал қатламдан 5000 метр чуқурликда ҳарорат қанча бўлади?

Ечиш:

$33^{\circ} - 1000 \text{ м}$

$X^{\circ} - 5000 \text{ м}$

$$X^{\circ} = 5000 \times 33 \div 1000 = 165^{\circ}\text{C}$$

$$165^{\circ}\text{C} + 14^{\circ}\text{C} = 179^{\circ}\text{C}$$

### **Жавоб: 5 км чуқурликда ҳарорат $+179^{\circ}\text{C}$ бўлади**

География таълимида мана шундай математик формулалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияtlарини кенгайтиради. Математик хисоблашлар аниқ ечимларни келтириб чиқариши сабабли ўқувчиларнинг табиий географик жараёнлар ёки воқеа-ходисалар ҳақида аниқ мушоҳада юритиш қобилияtlарини таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда, география таълимида фанлараро боғланишларни эътиборга олиш ўзининг энг яхши самарасини беради.

Аммо, географик объект, ҳодиса ва жараёнлар, уларни келтириб чиқарадиган сабаб – оқибат боғланишларини моҳиятини тўлиқ англаb этиш учун назарий билиmlарнинг ўзи кифоя этмайди. Назарий билиmlарни мустаҳкамлаш учун айрим географик ҳодиса ва жараёнларга оид машқ ҳамда масалалар ечиш зарурати ўз–ўзидан пайдо бўлади. Кўпгина географик қонуниятлар мазмунини географиядан машқ ва масалалар ечиш ўқувчиларда қўйидаги ижобий фазилатларни тарбиялашга химат қиласди:

1. Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш қобилияti ривожланади.

2. Ўқувчиларда географик объект, ҳодиса ва жараёнларнинг ташқи кўриниши билан бирга унинг ички тузилишини тасаввур эта билиш қобилияti ривожланади.

3. Ўқувчиларда географик объект, ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга қаратилган билимлар ривожланади.
4. Ўқувчиларда муайян географик объект, ҳодиса ва жараёнлар кўламини аниқлашга доир ҳисоблаш малакалари такомиллашади.
5. Ўқувчиларда илмий дунёқараш ва мантиқий тафаккурлай олиш малакалари шаклланади.

## ХУЛОСА

Демак, ҳар қандай ўкув фанининг мазмунини бирор амалий машғулотсиз ўкув жараёнида тушунтириш мураккаб ижтимоий жараён. Ўкув жараёнини олиб борувчи ўқитувчининг бош вазифаси – таълим-тарбия ҳамда ўқувчиларнинг билимини ривожлантиришнинг энг муқобил методини танлаш ҳисобланади. Шу қатори география фанида ҳам педагогик компетентлик яратиш орқали таълим-тарбия ва ривожлантириш жараёнларини энг самарадор тарзда амалга ошириш зараурлигини тақозо этади.

## REFERENCES

1. Bahromov Q., Halimova G. “Geografiyadan mashq va masalalarni yechish usullari”, “Navro’z” nashriyoti. Toshkent – 2017.
2. Mirakmalov M.T., Avezov M., E.V. Nazaraliyeva. Tabiiy geografiyadan amaliy mashg‘ulollar. —T.: “Fan va texnologiya”, 2015.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
4. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.